



O'ZBEKISTON OVOZI

2016-yil, 12-may. Payshanba • 56 (32.115)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

МУНОСАБАТ



БИЗГА ТИНЧЛИК КЕРАК, ОМОНЛИК КЕРАК

Мамлакат раҳбарининг
бу сўзлари бугун
халқимиз қалбидан
чуқур жой олди

9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонидида Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат кўрсатган юртдошларимизнинг қаҳрамонликлари, фронт ортидаги фидокорона меҳнати, душман босиб олган ҳудудлардан қўчириб келинган аёллар ва болалар, кексаларга халқимиз томонидан кўрсатилган меҳр-оқибат ҳақида сўз юритди.

Бугунги кунда мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларига янада кўпроқ эътибор кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражасини ошириш, ҳурмат-иззатини жойига қўйиш барчанинг инсонийлик бурчи эканини алоҳида таъкидлади.

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Президентимиз томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазалар **Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари, фаоллари томонидан чуқур ўрганилмоқда.**

▶ Давоми 2-бетда.

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК АСРИ



Фаррух АМИЕВ олган сурат.



Илм-фан ютуқлари

мамлакат тараққиётига хизмат қилади

11 май кунини пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркаси очилди

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Фанлар академияси томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада вазирликлар, идоралар, банклар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, олий ўқув юртлари, илмий марказлар иштирок этмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришда татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ярмаркани ўтказишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Шу пайтга қадар ўтказилган саккизта ярмаркада мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган 3900 га яқин инновацион ғоя ва технология намоиши этилиб, 112 миллиард 600 миллион сўмлик 3100 дан ортиқ шартнома имзоланган.

Натижада қиймати 1 триллион 800 миллиард сўмга яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 59 номдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 55 шартнома доирасида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва саноат намуналари яратилди. Юздан зиёд корхона ва фермер хўжаликлари илмий-техник хизматлар кўрсатилди.

Бу йилги ярмаркада 650 га яқин инновацион ғоя ва ишланма намоиши этилмоқда. Улардан 130 таси саноат, 116 таси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, 130 дан зиёд ишланма соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, 89 таси ахборот

технологиялари, яна 34 таси илм-фан ва таълим соҳасидаги янги дастурий маҳсулотлардир.

— Ярмаркада 85 инновацион ишланмалар билан қатнашаёмиз, — дейди **Тошкент давлат техника университети** илмий ишлар проректори, профессор **Карима Норкулова**. — Уларнинг 43 таси профессор-ўқитувчилар, 42 таси эса ёш олимлар ва талабаларнинг ишланмалари ҳисобланади.

Университетимиз ёш олим ва иқтидорли талабалари томонидан яратилган муқобил энергия соҳасидаги ишланмалар мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ярмаркада мамлакатимизда етакчи бўлган Навоий кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи ва бошқа йирик корхоналар билан шартномалар тузишни режалаштирганмиз...

Бу балги ярмаркада биринчи марта «Экотехнологиялар» йўналиши ташкил этилди. Унда агро-роф-муҳит муҳофазаси, тикланиши

ва тозаланишини таъминловчи ҳамда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича республикамиз илмий ташкилотлари ва университетлари томонидан ишлаб чиқилган 50 дан зиёд технология намоиши этилмоқда.

Ярмаркада истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ёш олим ва талабалар томонидан яратилган 70 дан ортиқ ишланма таширф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда. Шунингдек, «Ёшларнинг инновацион ғоялари» республика кўрик-танлови учинчи марта ўтказилди.

Ярмарка доирасида мавзулар бўйича халқаро форум, илмий-амалий семинарлар ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Розуқулов сўзга чиқди.

Шухрат ИСЛОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

ХОТИРА МАЙДОНИ ОЧИЛДИ

Термиз шаҳрида Хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг «2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бунёд этилган майдоннинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати берган хабарга кўра, ушбу майдонни барпо этиш учун 6 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Мазкур майдонда Мотамсаро она хайкали қад ростлади.

Тадбирда Сурхондарё вилоят ҳокими Тожимурод Мамараимов сўзга чиқди.

КОМБИНАТ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Навоий кон-металлургия комбинатида қарий 60 минг иш ўрни яратилган бўлиб, кейинги йилларда энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган учинчи ва тўртинчи гидрометаллургия заводлари, хусусан, Қизилқум фосфорит мажмуаси, «Гужумсой», «Аристантау», «Суграли», «Истиклол», «Шимоллий Конимех» каби конлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда батафсил маълумот берилди.

Айни пайтда «Мурунгов» конида рудани 270 метр баландида ташиб берадиган, йиллик унумдорлиги 14 миллион тоннани ташкил этувчи конвейердан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, 2-гидрометаллургия заводида амалга оширилган модернизация ишлари тўғрисида рудани қайта ишлаш ҳажми салкам икки баробарга ортди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида комбинат томонидан 23 миллиард сўмлик ишлар бажарилиши мўлжалланаётгани матбуот анжуманида алоҳида қайд этилди. Жумладан, Заркент қўرғонда аквапарк қуриш, Зарфшон шаҳрида «Она ва бола» скрининг маркази барпо этиш, Нуробод туманида сув билан доволаш профилакторийсини ишга тушириш, Кармана туманидаги «Металлург» профилакторийсини халқаро талаблар даражасида таъмирлаш ишлари режалаштирилмоқда.

ТУГУРУҚҲОНАГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Жиззах вилоят бўлими бир қанча меҳр-мурувват бўлими бир ўтказиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда ўнга яқин мана шундай тадбир ташкил қилинди.

Фориш туманидаги марказий касалхонанинг туғуруқ бўлимини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида жамият томонидан махсус генератор тақдим этилди.

Шунингдек, ўша кунини фарзандли бўлган 11 нафар онага ва туғуруқхонада фаолият кўрсатган меҳнат фахрийларига совға-саломлар улашилди.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент давлат стоматология институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман кенгаши хамкорлигида «Тинчлик — энг азиз неъмат!» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

ТИНЧЛИК — НЕЪМАТЛАРИНИНГ ЭНГ УЛУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Рустам Қомиллов ва бошқалар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқсоқиллик, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар самараси эканини таъкидлади.

Тадбирда ёшларни дунёда содир бўлаётган воқеалар сабабларини идрок этиб, теран таҳлил қила оладиган, ўз мустақил фикрига эга баркамол авлод этиб тарбиялаш жуда муҳимлиги, огоҳ одам хавф-хатарга қарши тура олиши ҳақида сўз юритилди. Навқирон авлодга турли минтақаларда юз бераётган тўқнашувлар, террористик ҳужумлар оқибати, огоҳлик ва ҳушёрликнинг аҳамияти ҳақида мутахассислар атрофлича маълумот берди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.

ХУШХАБАР

Икки кумуш, икки бронза

медалини қўлга киритган
ҳамюртимиз **Елизавета**
Назаренковага халқаро тоифадаги
спорт устаси унвони берилди

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича яқинланган Осиё чемпионатида **Елизавета Назаренкова** шахсий кўпқураш баҳсларида кумуш медалга сазовор бўлди. Булавада машқ бажаришда кумуш, копток ва халқа билан машқ бажаришда бронза медалларини қўлга киритди.

— Баҳсларда Осиёнинг энг моҳир спортчилари майдонга чиқди, — дейди **Елизавета**. — Бу ютуғимни аввало, юртимизда бадий гимнастикани

ривожлантиришга берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик самараси, деб биламан. Қўтқа ҳозирпо-натига пўхта ҳозирпо-кўриб, мураббийлар ишончини оқлаганимдан хурсандман. Мақсадим — келгусида жаҳон чемпионати ва Олимпиада ўйналарида кучлилар қаторидан ўрин олиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ЎЗДП НАВОИЙ
ВИЛОЯТ, ТУМАН,
ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

ХАТИРЧИ ТУМАНИДАГИ НАВБАҲОР МАҲАЛЛАСИДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА —
МИЛЛАТ БОЙЛИГИ» МАВЗУСИДАГИ ДАВРА
СУҲБАТИДА ДЕПУТАТЛАР, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ,
БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ
ИШТИРОК ЭТДИ.

УЧҚУДУҚ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ
ТОМОНИДАН ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛАР
БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «САЛОҲИЯТЛИ
КАДР — ДАВР ТАЛАБИ» МАВЗУСИДА
ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

ЗАРАФШОН ШАҲРИДАГИ КОНЧИЛАР
МАҲАЛЛАСИДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАҚСАД-
ВАЗИФАЛАРИ ҲАМДА ЕТАКЧИНИНГ
ВАКОЛАТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СИЁСИЙ
ЎҚУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

